

## Қ А Р О Р

2024 йил 6 ноябрь куни жиноят ишлари бўйича Олмазор туман суди ўз биносидан, судья А.Турғуновнинг раислигида, судья ёрдамчиси У.Йўлдошевнинг котиблигида,

Халимов Махмуд Мирхамитович, 1986 йил 12 июль куни Тошкент шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, бўйдоқ, вақтинча ишсиз, Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Ахил МФЙ, Узумбоғ 10-тор кўчаси, 10-уйда яшовчини

мажбурий даволашга юбориш ҳақидаги Олмазор туман ИИО ФМБ 2-сонли ИИБ бошлиғи томонидан келтирилган тақдимномани 1-3-1008-2403/1243-сонли иш ҳужжатлари билан бирга кўриб чиқиб, қуйидагиларни

### А Н И Қ Л А Д И :

М.Халимов Тошкент шаҳар наркологик диспансерида ичкиликбозликка ружу қўйган шахс сифатида ҳисобда турган бўлишига қарамасдан, мунтазам равишда спиртли ичимликлар истеъмол қилиб, бунинг натижасида оиласи ва атрофдаги қўшниларининг тинчлигини бузиб келган. ИИО ходимлари томонидан бир неча бор огоҳлантирилиб, маъмурий баённома расмийлаштирилган бўлишига қарамасдан, тузалиш йўлига қирмай, спиртли ичимлик истеъмол қилишни давом эттириб келмоқда.

Судда М.Халимов, ҳақиқатдан ҳам спиртли ичимликларни мунтазам равишда истеъмол қилиб келаётганлиги оқибатида соғлиги ёмонлашаётганлиги, оила аъзолари билан доимий келишмовчиликка дуч келаётганлигини, ичкилик истеъмол қилишни тўхтатмоқчи эканлигини, шу сабабли диспансерга бориб даволанишга рози эканлиги ҳақида кўрсатув берди.

Иш ҳужжатларида, М.Халимовнинг онаси Г.Халимова, фарзанди спиртли ичимликларни сурункали истеъмол қилиб келаётганлиги, спиртли ичимлик таъсирида доимий равишда уриш-жанжал қилаётганлиги сабабли фарзандини мажбурий даволашга юборишни сўраб ариза билан мурожаат қилган.

Тақдимномада, М.Халимовни мажбурий даволашга юбориш сўралган.

Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 27 октябрдаги “Наркологик касалликлар профилактикаси ва уларни даволаш тўғрисида”ги 644-сонли Қонунига асосан, наркологик касалликка чалинган шахсни мажбурий даволашга юбориш тўғрисидаги қарор унинг



яшаш жойидаги ёки наркология муассасаси жойлашган ердаги суд томонидан ушбу шахс ҳозирлигида қабул қилинади.

Суд, иш хужжатларини текшириб, М.Халимов наркологик диспансерида ичкиликбозликка ружу қўйган шахс сифатида ҳисобда туришини, ихтиёрий равишда диспансерга бориб даволанишга қарши эмаслигини, тўхтовсиз равишда спиртли ичимликларни истеъмол қилишини, шунинг таъсирида ҳуқуқбузарлик ва жиноят содир қилишни олдини олиш мақсадида тақдимномани қаноатлантиришни ва М.Халимовни мажбурий даволашга юборишни лозим деб топади.

Юқоридагиларга асосан, ҳамда Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 27 октябрдаги “Наркологик касалликлар профилактикаси ва уларни даволаш тўғрисида”ги 644-сонли Қонуни талабларига амал қилиб, суд

### **Қ А Р О Р   Қ И Л А Д И:**

Олмазор тумани ИИО ФМБ 2-сонли ИИБ бошлиғи томонидан келтирилган тақдимнома қаноатлантирилсин.

Халимов Махмуд Мирхамитович Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги мажбурий даволаш учун ташки этилган муассасасига мажбурий даволаш учун юборилсин.

Қарорни ижро қилиш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига юклатилсин.

Қарор юзасидан 72 соат ичида шикоят ва протест келтирилиши мумкин.

**Раислик қилувчи судья**  
**Аслига тўғри:**

**(имзо)**

**А.Турғунов**

